



О‘ЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЙОТИ  
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

1  
2024

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2024

*Бош муҳаррир:*

*Низомиддин МАҲМУДОВ*

*Таҳрир ҳайъати:*

*Мақсуд АСАДОВ*

*Раҳматулла БАРАКАЕВ*

*Ғулом ИСМОИЛОВ*

*Баҳодир КАРИМОВ*

*Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА*

*Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ*

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

*Сувон МЕЛИ*

*Ёрқинжон ОДИЛОВ*

*Манзура ОТАЖОНОВА*

*Эргаши ОЧИЛОВ (масъул котиб)*

*Гулчеҳра РИХСИЕВА*

*Шомирза ТУРДИМОВ*

*Боқижон ТЎХЛИЕВ*

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

*Алмаз УЛВИЙ*

*Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ*

*Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА*

*Жаббор ЭШОНҚУЛОВ*

*Бердак ЮСУФ*

*Улуғбек ҲАМДАМОВ*

*Хайрулла ҲАМИДОВ*

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй  
Телефон: (71) 233-71-44  
E-mail: jurnal\_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти  
№ 1, 2024

Мухаррир Э. Очилов  
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома №0053

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ўзбек тилшунослигида психолингвистик ва социолингвистик тадқиқотлар кўлами ҳали очилмаган кўриқ ер каби кенг ястаниб ётган манзилдир. Ана шу манзил сари қизиқарли саёҳатга отланайлик.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада мулоқот нутқининг психологик ва лингвистик уйғунлашуви ҳақида фикрлар баён этилган. Шу билан бирга психолингвистик қарашлар илдизи ҳақида мулоҳазалар баён этилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье описывается психологическая и языковая гармония коммуникативной речи. При этом высказываются замечания о корнях психолингвистических взглядов.

**RESUME.** The article describes the psychological and linguistic harmony of communicative speech. At the same time, comments are made about the roots of psycholinguistic views.

**Таянч сўз ва иборалар:** психология, тилшунослик, психолингвистика, мулоқот, руҳий ҳолат, нутқ.

**Ключевые слова и выражения:** психология, лингвистика, психолингвистика, общение, душевное состояние, речь.

**Key words and word expressions:** psychology, linguistics, psycholinguistics, communication, mental state, speech

Манзура ШАМСИЕВА

## ПЕЙЗАЖ ТАСВИРИ ЭСТЕТИК ҲОДИСА СИФАТИДА

Бадий асарда жонли ва жонсиз табиатни тавсифлаш муаллиф ва ўқувчининг юқори креативлиги ва ривожланган қадрият тизими, кучли ҳис-туйғусини талаб қилади.

Тил шахсияти тушунчаси нафақат тил компетенцияси ва муайян билимлар, балки тўпланган билимлар асосида янгиларини яратишга бўлган интеллектуал қобилият, яъни креативликни ўз ичига олади. Бундан келиб чиқадики, кучли тил шахсияти кучсиз ривожланган интеллектуал фаолият билан мос келмайди, яъни кучли лингвистик шахснинг ажралмас шарти **юқори даражада ривожланган интеллектдир.** Бундан ташқари, Ю.Н. Карауловнинг фикрича, "тил шахсияти кундалик тилнинг бошқа томонида интеллектуал кучлар пайдо бўлганда бошланади ва уни ўрганишнинг биринчи даражаси (нолдан кейин) унинг олам манзараси, тезаурусида маъно ва қадриятлар иерархиясини аниқлаш, ўрнатишдир"<sup>1</sup>. Шунинг учун кучли тил соҳибининг энг зарур хусусияти сифатида креативлик намоён бўлади. Тил креативлиги деганда нафақат идиоматик таркиб билимларини қўллаш қобилиятини, балки тил воситаларини индивидуал ёки кўяма маънода қўллаш ҳам тушунилади. Умумий маънода креативлик сўзини табиатни бадий тавсифлаш қаторига киритиш мумкин.

Маълумки, олам объектив тарзда ва инсонлар уни қай тарзда идрок этишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Бироқ тил омилларининг саъй-ҳаракатлари туфайли тил табиати ва таркибига боғлиқ бўлган қўшимча маълумотга эга бўлиш мумкин, шу сабабли инсонлар баъзида воқеликни турлича идрок этадилар; айнан тил идроки атроф оламни билишга таъсир қилиши мумкин. Антропололингвистика, хусусан, когнитив тилшунослик тил

<sup>1</sup> Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. Изд. 7-е. – М.: изд. ЛКИ, 2010. – С. 264.

инсон томонидан одамлар билан мулоқот қилиш учун яратилган деган нуқтаи назарни илгари суради, "матнларни декодлашда ишлатиладиган маълумотлар фақат тилни билиш билан чекланиб қолмайди, балки бутун дунё, ижтимоий ва маданий контекст ҳақидаги билимларни ўз ичига олади" деган тушунчага асосланади ва бу хотирадан турли хил фон маълумотларини олиш кўникмаларига эга бўлишни назарда тутди. Мулоқот жараёнида сўзловчи ва тингловчи томонидан қўлланадиган билимларни ҳар томонлама ҳисобга олиш янги лингвистик парадигманинг муҳим белгиси сифатида қарала бошланди.

Когнитив парадигмада бадиий матн воқеликнинг эстетик далилланган модели ва ижодкорнинг когнитив концептотизимлари қисмларининг вербал тимсоли сифатида талқин қилинади. Бу шу билан далилланадики, бадиий матнлар, асосан буюк ижодкорлар томонидан яратилган мумтоз асарлар "нафақат мантикий тафаккурни, балки инсоннинг ҳам маънавий, ҳам психик жиҳатларини ўз ичига олган маданиятнинг барча ранг-баранглигини ўзлаштирувчи рефлексияни ҳам ривожлантиради"<sup>2</sup>. Бадиий ижод ва санъатни идрок этиш жараёнида инсон томонидан олинган эстетик таъсир ва завқ, унинг тарбиявий таъсири, маълумот бериш, билиш, тажрибани бошқаларга етказиш, дунё ҳолатини таҳлил қилиш, олдиндан сезиш ва ишонтирувчи таъсир орқали амалга оширилади. Айнан шу сабабли бадиий асарда иштирокчилари муаллиф, қаҳрамон ҳамда ўқувчи бўлган эстетик мазмун ва эстетик ҳодисани кузатиш мумкин. Е.Ю.Ильинованинг фикрича, "Эстетик мазмунни актуаллаштириш усулларига матннинг мазмуний маконида янги ментал комплексларни яратиш бўйича лингвокреатив когнитив жараёнларнинг натижаларини акс эттирувчи семантик жараёнлар, хусусан, семантик ихтисослашуви ва лексик бирликларнинг контекстуал аҳамиятининг семантик ўзгариши, лингвомаданий концептларнинг мазмуний ўзгариши киритилади"<sup>3</sup>. Бадиий асардаги табиатнинг ҳар қандай тавсифи эстетик ҳодиса саналади. Табиат объектив мавжуд бўлган, ёт ҳодиса сифатида муаллифнинг "ментал элаклари" (Н.И.Жинкин термини) орқали ўтади ва муқаррар равишда модификация жараёнида иштирок этади. Табиатни ҳис қилиш, баҳолаш ва ҳодисаларни ифода этиш натижасида муаллиф субъект, этик хатти-ҳаракатни амалга оширувчига айланади.

Муаллифнинг табиатни тасвирлашдаги эстетик ҳаракатлари, албатта, тил ўйинини ўз ичига олади, ўзбек тил маданиятида у бошқа нарсалар қатори табиий дунё билан ҳам боғлиқлиги бежиз эмас:

*Ўт туташқон даштлар ҳар сори фош,  
Тортибон ёлинлари гардунга бош.*

(Ҳар томонда ўт туташган даштлар ёлқинланиб, осмонга бош уради).

*Бешалар муҳлик балолардин тўло,  
Шохи – андуҳу тааб, барғи – боло.*

<sup>2</sup> Г а л е е в а Н.Л. Духовное пространство культуры и его переизбыточность в художественных текстах // Язык и мышление: психологические и лингвистические аспекты: материалы всерос. науч. конф. – М.: Пенза, 2001. – С.156–157.

<sup>3</sup> И л ь и н о в а Е.Ю. Лингвокреативная интеграция как способ создания эстетического смысла текста // Язык и мышление: психологические и лингвистические аспекты: материалы 6-ой всерос. науч. конф. – М.: Ульяновск, 2006. – С. 48–49.

(Ўрмонлари ҳар хил даҳшатли балолар билан тўла, ундаги ҳар бир дарахтнинг шохи ғамдан, барги эса балодан иборатдир)<sup>4</sup>.

Ижодкор сўз маънолари билан ишлайди, уларни кутилмаган маъноларда қўллайди. Сўзнинг ўз маъноси ва мажозий маъноси ўртасидаги муносабат гўё бир инсон танасида бирлашган актёр ва персонаж муносабати кабидир: "Мўрларга туъма онда барча шер, Пашшаси пил овламоққа бас далер (У ердаги чумолилар шер билан овқатланади, пашшаси эса филни ов қилишга қодир)" (Навой)<sup>5</sup>, "Қиш кумушидаги дарахтлар" (Пушкин), "Французлар томчилар каби ҳаракатланишди" (Лермонтов), "Ой сокин сувда олтин курбақа каби ёйилган эди" (Есенин)<sup>6</sup>.

Албатта, эстетизация реципиент томонидан адекват тушунарли бўлиши лозим. "Муаллиф ўз ижод фаолиятида ўзига хос эстетик ўйин – реал ва тасаввур қилинган олам тасвирларини нозик ҳаракатлантириш ва комбинациялашни амалга оширади. Сўз рассомига эргашиб, ўқувчи ушбу ўйинда иштирок этади. Бадиий матннинг ахлоқий ва эстетик аҳамияти кўпинча инсоннинг онги ва мавжудлик шакллари олдидан белгилашни бошлайди"<sup>7</sup>. Бундай ўйин – табиатни тасвирлашнинг ёрқин мисолларидан бири:

*Ҳам ҳавосинда булутлар чарх уруб,  
Бошиқа ёмғир ўрнида тош ёғдуруб.  
Ҳам саҳобидин чоқинлар чоқилиб,  
Тобидин оламда ўтлар ёқилиб.*

(Осмонда чарх уриб юривчи булутлар киши бошига ёмғир ўрнига тош ёғдиради. Булутларидан чакнаган чакмоқлар оловидан оламга ўт тушади)<sup>8</sup>.

В.И.Заиканинг таъкидлашича, бадиий нутқдаги окказионализм нафақат маълум бир воқеликни (реалия) намойиш этишини таъкидлайди, балки ушбу иборани қабул қилаётган ўқувчи айнан нимани тасаввур қилишини кўрсатади. "Нутқ ифода этишда тил фақат ифода воситаси бўлиб қолса, эстетик амалга оширишда тил бир вақтнинг ўзида бадиий моделни ўзида мужассам этиш воситаси ва тасвирланган бадиий моделнинг таркибий қисмидир"<sup>9</sup>. Шу тариқа, эстетик мазмун ва эстетик ҳодисани яратиш матн муаллифидан ҳам, адресатдан ҳам муайян интеллектуал ҳаракатларни талаб қилади. Иккаласи учун ҳам бадиий матнларни яратишда дунё ҳақидаги умумий билимлар ва стереотип тасаввурларга таяниш талаб этилади, бироқ

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (Насрий баёни билан). – Тошкент : Ф.Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 38-бет.

<sup>5</sup> Кузнецова А.В. Концептосфера и мифопоэтика в антропоцентрической парадигме художественного текста. – С. 403.

<sup>6</sup> Эпштейн М.Н. Игра в жизни и в искусстве \ Парадоксы новизны: о литературном развитии XIX–XX веков. – М., 1988. – С. 276–303.

<sup>7</sup> Кузнецова А.В. Концептосфера и мифопоэтика в антропоцентрической парадигме художественного текста // Континуальность и дискретность в языке и речи: материалы II междунар. науч. конф. – Краснодар, 2009. – С. 156–157.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр, 38-бет.

<sup>9</sup> Заика В.И. Риторическая и эстетическая реализация языка \ Лингвориторическая парадигма: теоретические и прикладные аспекты: межвуз. сб. науч. тр. Вып. 1. – Сочи, 2002. – С.59–67.

ушбу умумий фондга мурожаатнинг ҳар бир актида интеллектуал аниқлик ва уларнинг аҳамиятини қайта англаш юз беради. Матнни яратиш ва эстетик компонентларини идрок этиш жараёнида интеллектдан ташқари ҳис-туйғулар ҳам иштирок этади, чунки эстетик – моҳиятан психологик ҳодиса бўлиб, эмоционал кўзғалишни чақирадиган сезги ва идрокдир. Табиат тасвирининг ҳиссиётлар билан уйғунлиги барқарор тил бирликларида аниқ ифодаланган. Бироқ, уларни бадиий матнда ишлатиш ривожланган лингвистик дид, назокат туйғусини талаб қилади, акс ҳолда муаллифнинг "гўзаллик"ка бўлган интилиши муаллиф ниятининг тескари таъсирига олиб келиши мумкин. Ақлий ва ҳиссий уйғунлашуви ҳақида Алишер Навоий ижодига муносабат билдирилади. Шоир машҳур сўз мусаввири сифатида ҳар доим ҳаётнинг оддий ҳодисаларида гўзалликни топишга интилади. Табиат, ҳайвонларнинг феъл-атворини тасвирлаш "яна шунинг учун ҳам эстетик завқ берадики, ёрқин бадиий шаклда, жарангдор ва ифодали тил билан ҳайвонот оламининг кизиқарли ҳаётини акс эттиради. Навоий сўз санъатининг эстетик табиати ва жалб қилувчи кучи ҳам айнан мана шунда". Ҳатто ёзувчи сиқик синтактик тузилмаларга мурожаат қилганида ҳам муайян муаллифлик нияти намоён бўлади. Масалан, Алишер Навоий баҳорнинг келишини қуйидагича тасвирлайди: *Чун Ҳамалдин берди ойини баҳор, Бўлди тенг мезонда лайлу наҳор*<sup>10</sup> (Яъни, ҳамал ойи билан баҳорни бошлаб берди, унинг ўлчовида кеча ва кундуз тенг бўлди).

Бундай қисқалик туфайли ёзувчи табиатнинг ҳаракатланувчи манзарасини яратиш, йил фаслларининг тўқнашувида ўсимликлар ва ҳайвонот оламида бошдан кечириладиган ўтувчи фурсатларни аниқ ифодалаш имконига эга бўлади. А.Н.Уайтхед фикрича, жараён баҳолаш ёки "муҳокама" процедурасидан ташкил топади, баҳолаш модификация жараёнини ўз ичига олади. Бунда эмоционал-қадриятли доминанта – "баҳолаш", "ҳис қилиш" аниқ равшан. А.А.Дуров Уайтхед схемасини кенгайтиришни ва жараёнга реал **субъект-ҳаракатланувчини** киритишни таклиф қилади. Бу жараённинг қўшимча фазасида яна бир босқичнинг пайдо бўлишига олиб келади, уни установка деб аташ таклиф этилади, унда субъект томонидан нуқтаи назарга эга бўлиш жараёни содир бўлади. Бадиий матнда муаллиф коммуникацияда иштирок этувчи субъект ролига ўтади. Унинг фаолиятининг фаол жиҳатини бадиий матнни ўрганишда ҳисобга олиш зарур, чунки тил ҳодисалари ўз-ўзидан оламнинг қандайдир объектларини кўрсатмайди: нутқий актни кўрсатиш тил соҳиблари томонидан муайян референциал тизим сифатида амалга оширилади.

Табиат манзараларининг реципиентга кўрсатадиган таъсири унинг ахлоқ доираси ривожланганига боғлиқ бўлади. Субъект ушбу қадриятни тан олган ва тасдиқлаган ҳолда бирор-бир эмоционал установкани қабул қилиши, этик хатти-ҳаракатни амалга ошириши керак. Ўз навбатида, қабул қилинган установка муайян нуқтаи назардан хабар беради. Таклиф қилинаётган ёндашувда субъектсиз соҳа мавжуд эмас. Субъект индивидуалликда жараёнлар турли онтологик даражаларда кечади: тана, ақлий ва маънавий. Онда бу жараёнларга регулятив, когнитив ва эмоционал-иродавий соҳалар мувофиқ келади.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр, 18-бет.

Табиатни бадий тасвирлашда ва унинг ўқувчи томонидан идрок қилинишида барча онтологик даражалар иштирок этади: онгнинг эмоционал-иродавий соҳаси (уни "ҳис қилишда" кўплаб ҳис-туйғу органлари иштирок этади), регулятив (кичик ҳаракат ва ўзгаришлар табиатда психофизиологик даражада кечади), когнитив (ўқувчи муаллифнинг чуқур ўй-фикрларида катнашади).

Бадий асарларда такрорлар, табиатни бир хил тасвирлаш ҳолатлари учрамайди. Бу шундан далолат берадики, муаллифнинг табиатни англаш, тушуниш жараёни субъектив-қадриятли модификация акти саналади. Қадриятлар ички мувофиқлигининг ушбу фаолияти ахлоқий ва эстетик мулоҳазаларда акс этади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, табиатни тасвирлашнинг икки – эстетик ва интеллектуал соҳалари мавжуд.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада табиатнинг бадий тавсифини яратишда муаллифнинг интеллектуал ва эстетик-этик жиҳатлари, интеллектуал ва эстетик-этик жиҳатларнинг босқичлари ва белгиларини, шунингдек, кенг қўлланувчи тил воситаларини аниқлаш усуллари ёритилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье описываются способы определения интеллектуальных и эстетико-этических аспектов автора, этапы и признаки интеллектуальных и эстетико-этических аспектов, а также способы определения широко используемых языковых средств при создании художественного описания природы.

**RESUME.** When creating an artistic description of nature, the article highlights the intellectual and esthetic-ethical aspects of the author, stages and signs of intellectual and esthetic-ethical aspects, as well as methods for identifying widely used language tools.

**Таянч сўз ва иборалар:** пейзаж, когнитив, интеллектуал, табиатни бадий тасвирлаш, бадий матн.

**Ключевые слова и выражения:** пейзаж, когнитивное, интеллектуальное, художественное изображение природы, художественный текст.

**Key words and word expressions:** landscape, cognitive, intellectual, artistic representation of nature, artistic text.

Мухлисахон САЙДАЛИЕВА

## ОНОМАСТИК СТЕРЕОТИП ВА ПРЕЦЕДЕНТ НОМ МУНОСАБАТИ

Борлиқ ҳодисаларини англашга интилган инсоннинг дунёқараши уни ўраб турган воқеликни ўзида мавжуд билимлар орқали анализ ва синтез қилиш асосида шаклланади. Яъни инсон ҳар қандай ўзига ёт ҳодисаларга аввало ўзига маълум бўлган ўлчовлар асосида баҳо беради. Бу каби ибтидий ўлчов кейинчалик маданиятда баҳо мезонига айланиб боради. Стереотиплар шундай жараёнда шаклланиб, халқнинг билимлар тизимидан жой олади. Ш.Усмонова "Стереотип – муайян гуруҳ ёки жамоанинг соддалашган, схемалашган, эмоционал бўёқдор ва фавқулудда барқарор бўлган образи, турли маданият вакилларининг тили ва тафаккурининг ўзига хослигидир" деб таърифлайди<sup>1</sup> ва у инсонга олам ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ўзининг

<sup>1</sup> U s m a n o v a Sh. Lingvomadaniyatshunoslik: darslik. – Toshkent: "Bookmany print", 2022, 194-bet.

## МУНДАРИЖА

### Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги

М.Асадов. Навоий асарларида ижод ва ижод аҳли талқини.....	3
Б.Карим. Алишер Навоий ва жадидлар.....	8
Б.Максудов. Алишер Навоий ва Камол Хўжандий.....	15
Қ.Эргашев. Алишер Навоийнинг ижодий тақдирида Кичик мирзонинг ўрни ва роли.....	20
Э.Очилов. Алишер Навоий ва Соммирзо Сафавий.....	26
С.Рафиддин. Навоий ижодида сидқ ва кизб талқини.....	37
Б.Ражабова. Шохғариб Мирзо Навоий таърифида.....	41
А.Эшонбобоев. В.В.Бартольднинг "Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт" рисоласи ҳақида.....	49
Б.Юсуф. Навоий асарларида "йо"и нисбат қўшимчасининг ишлатилиши.....	56

### Тилшунослик

Ё.Одилов. Тилнинг ижтимоий табиати.....	59
З.Муқимова. Осмон жисмларини атовчи номларнинг лингвوماданий хусусияти.....	65

### Адабиётшунослик

Б.Тўхлиев. "Билигдин келир-ул қамуғ кўрклүг иш" .....	72
Д.Қуронов. "Ўткан кунлар"да миллийлик контексти ва ўқувчи идроки.....	81

### Илмий ахборот

Д.Игамуратова. Окказионализм ва сўз ўйинларини таржима қилиш хусусида.....	90
М.Саъдуллаева. Исажон Султон ҳикояларида бадий психологизм.....	94
Ф.Каримова. Рухий ҳолат ва унинг нутқдаги ифодаси.....	99
М.Шамсиева. Пейзаж тасвири эстетик ҳодиса сифатида.....	104
М.Сайдалиева. Ономастик стереотип ва прецедент ном муносабати.....	108
Р.Мадаминова. Ҳофиз Хоразмий "Девон"идаги мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар.....	116

### Фанимиз заҳматкашлари

Н.Маҳмудов, А.Мадвалиев, Қ.Қаҳрамонов, Э.Очилов. Раҳматулла Баракаев.....	121
Н.Маҳмудов, М.Асадов, Э.Очилов. Боқижон Тўхлиев.....	124
З.Исомиддинов, Р.Баракаев, Э.Очилов. Султонмурод Олим.....	127

### Илмий ҳаёт

Ҳамиджон Ҳомидий.....	130
-----------------------	-----

## СОДЕРЖАНИЕ

### 583-летие со дня рождения Алишера Навои

М. Асадов. Творчество и интерпретация людей творчества в произведениях Навои.....	3
Б. Карим. Алишер Навои и джадиды.....	8
Б. Максудов. Алишер Навои и Кемаль Ходжанди.....	15
К. Эргашев. Место и роль Кичик Мирзо в творческой судьбе Алишера Навои.....	20
Э. Очилов. Алишер Навои и Соммирзо Сафави.....	26
С. Рафиддин. Трактовка правдивость и лживость в творчестве Навои.....	37
Б. Раджабова. Шахгариб Мирзо в описании Навои.....	41
А. Эшонбобоев. О трактате В.В.Бартольда "Мир Алишер и политическая жизнь".....	49
Б. Юсуф. Использование суффикса залога "йо" в произведениях Навои.....	56

### Лингвистика

Я. Адылов. Социальная природа языка.....	59
З. Мукумова. Лингвокультурологические особенности названий небесных тел.....	65

### Литературоведение

Б. Тохлиев. "Билигдин келир-ул камуғ кўрклүг иш" "Знание – источник добрых дел".....	72
Д. Куранов. Контекст национального и читательское восприятие в романе "Минувшие дни".....	81

### Научная информация

Д. Игамуратова. О переводе окказионализмов и каламбуров (игр слов).....	90
М. Сагдуллаева. Художественный психологизм в рассказах Исаджона Султана.....	94
Ф. Каримова. Психическое состояние и его выражение в речи.....	99
М. Шамсиева. Пейзажное описание как эстетическое явление.....	104
М. Сайдалиева. Отношение между ономастическим стереотипом и прецедентными именами.....	108
Р. Мадаминова. Слова, выражающие абстрактные понятия в "Диване" Хафиза Хорезми.....	116

### Деятели науки

Н.Махмудов, А.Мадвалиев, К.Кахраманов, Э.Очилов. Рахматулла Баракаев.....	121
Н.Махмудов, М.Асадов, Э.Очилов. Бокиджон Тохлиев.....	124
З.Исамиддинов, Р.Баракаев, Э.Очилов. Султанмурад Олим.....	127

### Научная жизнь

Хамиджон Хамиди.....	130
----------------------	-----

## CONTENT

### 583rd anniversary of Alisher Navoi's birth

M.Asadov. Interpretation of creativity and people of creativity in Navoi's works...	3
B.Karim. Alisher Navoi and Jadids.....	8
B.Maksudov. Alisher Navoi and Kamal Khojandi.....	15
K.Ergashev. The place and role of Kichik Mirza in the creative destiny of Alisher Navoi.....	20
E.Ochilov. Alisher Navoi and Sommirza Safavi.....	26
S.Rafiddin. Interpretation of sidq and kizb in Navoi's work.....	37
B.Rajabova. According to Shahgarib Mirza Navoi.....	41
A.Eshonboboev. About the treatise "Mir Alisher and political life" by V.V.Bartold.....	49
B.Yusuf. The use of the relative suffix "yo" in Navoi's works.....	56

### Linguistics

Y.Odilov. The social nature of language.....	59
Z.Mukimova. Linguistic and cultural characteristics of celestial names.....	65

### Literature studies

B.Tukhliev. "Biligidin kelur-ul kamug kurklug ish".....	72
D.Kuranov. Context of nationality and reader's perception in "Bygone Days".....	81

### Scientific information

D. Igamuratova. On translating occasionalism and pun.....	90
M. Sadullaeva. Literary psychology in the stories of Isajon Sultan.....	94
F. Karimova. Mental state and its expression in speech.....	99
M. Shamsieva. Landscape image as an aesthetic phenomenon.....	104
M. Saydalieva. Onomastic stereotype and precedent name relation.....	108
R. Madaminova. Words expressing abstract concepts in "Devon" by Hafiz Khorezmi.....	116

### Doers of Science

N. Mahmudov, A. Madvaliev, Q. Kahramonov, E. Ochilov. Rahmatulla Barakaev.....	121
N. Mahmudov, M. Asadov, E. Ochilov. Bakijon Tokhliev.....	124
Z. Isomiddinov, R. Barakaev, E. Ochilov. Sultanmurad Olim.....	127

### Scientific life

Hamidjan Homidiy.....	130
-----------------------	-----

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"  
Босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма № 1  
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,  
Нурмакон кўчаси, 1-уй.  
Қоғоз бичими 70x108, 1/16  
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.  
Шартли-босма табоғи 8.5  
Тираж \_\_\_\_ нусха. Келишилган нархда.